БИР КУННИНГ МУҲОСАБАСИ

Усмон Нурий Тўпбош

«ЭРКАМ» НАШРИЁТИ



Истанбул - 1442 х / 2020

© “ЭРКАМ” Нашриёти - 1442 х / 2020

БИР КУННИНГ МУҲОСАБАСИ

Усмон Нурий Тўпбош

Туркча асл нусха номи: Bir Günün Muhasebesi
Муаллиф: Усмон Нурий Тўпбош
Таржимон: Муқаддам Абдураҳмон қизи
Муҳаррирлар: Ўткирбек Муҳаммад Собир
Одил Ҳамид
Санжар Саид
Умида Азиз
Нилуфар Ўзбек
Мусаҳҳиҳ: Ўткирбек Муҳаммад Собир
Ношир ва маслаҳатчи: Абдумалик Абдурашидов
Саҳифалаш ва Муқова: Илхон Башташ
ISBN:
Адрес: İkitelli Organize Sanayi Bölgesi Mahallesi,
Atatürk Bulvarı, Haseyad 1. Kısım
No: 60/3-C, Başakşehir, İstanbul - Türkiye
Тел: +90 212 671 0700 pbx
Факс: +90 212 671 0748
Электрон почта: info@islamicpublishing.org
Веб-сайт: www.islamicpublishing.org
Language: Uzbek

«ЭРКАМ» НАШРИЁТИ

БИР КУННИНГ МУҲОСАБАСИ

Усмон Нурий Тўпбош

«ЭРКАМ» НАШРИЁТИ

МУҚАДДИМА

Сиз қадрли ўқувчиларимизга “Эркам” босмахонаси тарафидан шу кунгача бир қанча асарларни ҳавола қилдик. Мақсадимиз Аллоҳ ва Расулининг муҳаббатига етишиб, ҳақиқий мусулмон бўлиб камол топишингиздир. Бу хизматга муяссар қилган Аллоҳ таолога доимо шукр ва ҳамд ичидамиз.

Биз ҳар бир янги куннинг янги бир ҳаёт эканлигини ҳис қилиб яшамоқ умидидамиз. Ҳар бир янги кунимизни охират сармоясига айлантириш илинжи билан нафас оляпмиз.

Умар розияллоҳу анҳу: “Бугун Аллоҳ учун нима қилдинг, эй Умар?!” деб ўзларини сўроқ қилганлари каби ҳар нафасимизни доимо назоратда тутишга интиляпмиз. Шу боисдан ушбу китобчани сиз қадрли ўқувчиларга тақдим қиляпмиз.

Кўнгиллар ва ўй-фикрларимиз фақат дунёвий нарсаларга мубтало бўлган, тафаккур уфқларимиз дунёвий ҳудудлардан ўта олмаётган бир даврдамиз.

Шу сабабли бу мўъжаз чўнтак китобчаси доимо ёнимизда бўлиши фойдадан ҳоли бўлмайди, деган мулоҳазага келдик. Китобча барчага манфаатли бўлишини тилаб қоламиз.

Бу китобча муҳтарам устозимиз Усмон Нурий Тўпбош ҳазратларининг "Саодат томчилари" номли асари асосида тайёрланди. "Бир куннинг ҳисоботи" мақоласидан ва қисман "Абадият йўловчиси" номли асаридан ҳам иқтибос олинди.

"Эркам" нашриёти

БИР КУННИНГ МУҲОСАБАСИ

Бу дунё инсоният учун имтиҳон маконидир. Ким бу дунёга келса, имтиҳондан ўтиши ҳақиқат. Бу оламга келган ҳар бир жоннинг умри ўлчовли бўлади. Ўлим ҳар бир одамнинг қочиб бўлмас келажагидир.

“Ҳар бир жон ўлимни тотувчидир. Сизларни ёмонлик ва яхшилик ила имтиҳон учун синаймиз ҳамда Бизгагина қайтарилурсиз” (Анбиё сураси, 35-оят).

Ҳеч бир инсоннинг ўлимга рўбарў келмаслигининг, қочмоғининг имкони йўқ. Нафас олувчи ҳар бир инсоннинг (қайси ёшда бўлишидан қатъий назар) ҳар бир лаҳзаси охирги нафаси бўлиши мумкин. Ўлим фақат кексаларга хос эмас. Қабристонларга эътибор қилсак, биздан ёши кичиклар ҳам, ҳатто гўдаклар ҳам ётганини кўрамиз.

Шуни асло унутмаслигимиз лозимки, ҳаёт боқий саодатни қўлга киритиш учун бир мартагина берилган ўлчовли неъматдир. Бошқача айтганда, умримиз имтиҳон сафаридир. Бу имконият бизга қайта берилмайди.

Дунёдаги фоний имтиҳондан йиқилсак, кейинги сафар яхшироқ тайёрланишимиз ва ғолиб бўлишимизга имкон бор. Аммо ҳаёт имтиҳони бир марта бўлади. Бир бора туғилиб, бир бора ўламиз. Шу сабабли ҳар бир оқил инсон учун ҳаёт неъматини, «ўлим» ва «охират» воқеасини кўз ўнгида тутмоқ зарурдир. Зеро, шундай бир кун келадики, у куннинг эртаси йўқдир.



Сескантирувчи ўлим сўзини заиф бўйинлар кўтара олмайди! Ўлим овозсиз ва сўзларсиз ўргатиладиган бир дарсдирки, ҳиссиётли кўнгилларга энг мукаммал сўзлардан ҳам кўпроқ таъсир этади. Ўлим ибрат, ҳикмат ва ҳақиқатни кўрсатувчидир. Ўлимнинг сукути ҳис қила оладиганлар учун жуда кўп маъноларни ўз ичига олгандир.

Ҳасан Басрий (Аллоҳ раҳмат қилсин) бир жанозада қатнашган эди. У ерда бир кекса одамни кўрди. Дафн маросими тугагач, унга:

“Эй отахон! Аллоҳ учун сўрайман, жавоб берсангиз. Шу лаҳзаларда қабрдаги одам қайтадан дунёга келишни истаяптими? Савобли ишларни кўпайтирмоқни, гуноҳлари учун тавбалар килмоқни, истиғфор айтмоқни ўйлаяптими?” – деб сўради. Кекса одам ҳеч иккиланмай: “Албатта, ўйлаётгандир”,– деди.

Ҳасан Басрий ҳазратлари: “Ўлим нақадар мудҳиш бир насиҳатдир! Нақадар таъсирли бир ўгитдир. Аммо буни эшитадиган кимсаларда кўнгил, қалб йўқдир!” – дейди.



Ўлимни ҳақиқий маънода идрок қилувчи инсон ўткинчи, яъни фоний дунё лаззатларига алданмайди. Абадий ҳаёт учун йўлга чиққанлигини ҳис қилади. Қисқа муддатга тўхтаб ўтиладиган бу дунёнинг безакларига бир мусофир каби кўз ташлайди, холос. Чунки бир йўловчи эканлигини, буларнинг барчасини бир кун ташлаб кетишини яхши билади.



Берилган ҳар бир нафаснинг ҳисоби борлигини билувчи одам, бу умрни ҳою ҳавас ортида ўтказмайди!

Фоний дунёнинг барча неъматларига эга одам саодату роҳат ичида минг йил яшаганидан не фойда? Охири борадиган ери қаро тупроқнинг ости, қоронғи, тор қабр эмасми?

Афсуски, баъзан фоний борлиқнинг мусаффолиги ҳам, ҳаётнинг вақт тегирмонида доимий равишда насиҳат бериб бориши ҳам инсонни ўйга толдирмайди. Инсон дунёда бир неча кун мусофир эканлигини била туриб ҳам, яна ўзини алдайди. Ҳар кун жанозаларни кўриб турган ҳолда, ўлимни ўзидан узоқ деб билади. Ҳар лаҳзада қўлидан кетиши мумкин бўлган омонатларнинг доимий эгасиман деб уйлайди. Ҳеч қачон ўлмайдигандек яшайди. Ўзини ҳисоб-китоб қилмаганидек, сўроқ қилинишни ҳам ёқтирмайди.

Дарҳақиқат, қиёмат куни ҳар бир одам ҳаёт дафтарини қандай тўлдирганлиги ҳақида ҳисобот беради. У ерда ҳеч ким: “Кошки дунёда кўпроқ яшасам эди!” деб орзу қилмайди. Барча дунё ҳаётида қанча солиҳ амал қилганини ўйлайди. Шу хусусда қайғуради.

Зеро, энг муҳим нарса ҳисобли дунёдаги нафасни беҳуда ўтказмасликдир. Чунки Раббимиз бандасининг қанча яшаганига эмас, қандай яшаганига қарайди!

Алҳамдулиллаҳ, мусулмонмиз. Иймон асосларини қалбимиз билан тасдиқлаб, тилимиз билан иқрор бўлганмиз. Аммо қалбимизда дунёга берилиш вирусига қарши кураша олиш қуввати етарли миқдордами?

Кунларимизни қанчалик Аллоҳ ризосига мувофиқ ўтказяпмиз? Дунё ва охират имтиҳонида қайси тараф оғирроқ бўлади? Охират ва дунёвий манфаатларимиз танловида қай бирини танлаяпмиз?

Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: «Асосий ҳаёт фақат охират ҳаёти (асл саодат абадий саодат) дир». Бу муборак ҳадиси шарифни ўқиб, охиратни ҳаётимизнинг асоси қила оляпмизми? Охиратга бўлган иймонимизни яшаш тарзимиз билан қанчалик тасдиқлай оляпмиз?

Унутмайликки, абадий саодат хушхабари билан келган ўлим умр хирмонидан ҳақиқат доналарини терган, фазилат боғидан саодат меваларини йиққан, иймон даласига ҳамд, шукр ва ризолик уруғларини эккан мўминларнинг насибасидир.

Ҳақиқатан ҳам айни кунларда ўлим, қабр ва охиратга доир Илохий ҳамда Набавий ҳақиқатларни эсламоққа, бошқаларга ҳам эслатмоққа катта эҳтиёжимиз бор. Асл ҳаёт охират ҳаёти эканлигини тез-тез хотирламоққа, ҳар вақтдан ҳам кўпроқ муҳтож эканлигимиз ҳам ҳақиқатдир.

Зеро, Аллоҳ таоло бизларни тез-тез тафаккурга даъват қилмоқда. Биз ҳам ҳар янги куннинг бизга эҳсон қилинганини идрок қилиб, Аллоҳга бандалигимиз қандай ҳолатда эканлигини чуқур ўйлаб кўрайлик. Охиратга бўлган ишончимизни кўнгилларда маҳкам ушлайлик. Фоний дунёга мафтун бўлиб, жонимизни азобга дучор қилмайлик. Биз учун мустаҳкам қўрғон бўлган охиратга ишончимизни сақлайлик.









Аллоҳнинг дўстларидан бўлган Ҳасан Басрий бир кун йўлда жуда хурсанд одамга дуч келди. Ундан:

“Эй қариндошим: Сирот кўпригидан ўтдингми?” – деб сўради.

У одам: “Йўқ”, – деб жавоб бергач, яна сўради:

“Хўп, жаннатга ёки дўзахга тушишингни биласанми?”

У одам яна “йўқ” деди.

Шунда Хасан Басрий у одамга:

“Аллоҳ сенга омонлик берсин! Нега унда бунчалик шод бўлиб куляпсан? Унутмагинки, у Қиёмат кунининг иши ниҳоятда оғирдир!” – деди.

Фузайл ибн Иёз “Одамларга насиҳат учун ўлим кифоядир” деган ҳадиси шарифни тез-тез зикр қиладиган кишидан бир одам насиҳат сўради.

Яъни: “Отанг соғми?” - деди.

У одам: “Йўқ, ўлган” - деб жавоб бергач “Сенга бу насиҳат кифоя қилмадими?” деди. (Ҳайсамий, Мажмаъуз-Завоид, 308.)



Аҳмад ибн Ҳарб роҳматуллоҳи алайҳ шундай дейди:

“Ер юзи икки тоифадаги одамга ҳайрат билан қарайди. Биринчиси бу фоний оламда бир парча ерни деб қаринДоши билан жанжаллашган одамдир. Бу одамга ер юзи ҳол тили билан:

“Бу ернинг сендан олдинги эгаларини бир ўйлаб кўргин! Қанча одамлар ер юзида давру даврон суриб яшадилар, аммо биронтаси абадий қололмади!” дейди.

Яна бири ухламоқ учун чиройли қилиб жой солган одамдир, ер юзи бу одамга ҳам ҳол тили билан шундай дейди:

“Эй одам фарзанди! Нимага менинг ичимда узоқ муддат ётоқсиз, кўрпа-тўшаксиз ётишингни ўйламаяпсан? Фикр килмаяпсан?”.

Кўнгиллар султони бўлган Мавлоно Румий умр сармоясининг қадри ҳақида, уни эзгу ишларга сарфлаш хусусида шундай дейди:

“Бугун қиладиган яхши амалингни эртага қолдирма. Ақлингни йиғ ва охират учун тайёрлаётган қопингни тошлар билан эмас, подшоҳларга ҳадя килинадиган дуру гавҳарлар (солиҳ амаллар) билан тўлдир! Буни кейин англайсан, аммо сен ҳозирдан ўзингга кел, ақлингни ишлат! Сўнгги кунни, яъни охиратни бугундан кўришни бошла! Ўзингни қўлга ол, ҳозирдан ҳаракат қил! Ҳақиқатни, охиратни кўрадиган кўзингни ғафлат ва нафс хоҳишлари билан кўр қилма!

Истиқболини муносиб тарзда қурган инсон бахтли бўлади. Аллоҳнинг йўлида юрган бундай одамнинг оёғи қоқилмайди. Йўлдан тойилмайди. Оёғинг тойилмаслигини хоҳласанг, комил бир инсоннинг изидан айрилма! Изларини кўзларингга сурма қил!

Ҳали куч-қувватинг борида ҳаётнинг қадрини бил! Қўлингдаги имкониятни бой бериб қўйма!

Ақлингни йиғ! Сармоянг бўлган умрингни бугун эмас, эртанги кун учун ишлат! Жаннат ва Раббинг ризосига етмоқлик учун сарф қил!”

Эй йўловчиликни суйган инсон! Йўловчи деб йўлини ўйлайдиган, борадиган ерининг ҳисобини қиладиган одамга айтилади. Ақли фақат олдинда (келажагининг хавотирида) дир.

Инсоннинг куч-қуввати, иҳтиёри қўлидан олингач, яъни дунё билан видолашиш лаҳзалари келганда, ҳамма нарса тугайди. Ўлимнинг қучоғига киради. Шунинг учун ақлингни йиғ! Ажалга умринг дастмояси бўлган ҳаётингни зарарга кетказган ҳолда рўбарў бўлма!



Сенинг бутун куч-қувватинг умринг, солиҳ амалларингдир. Имконинг борида фурсатни ғанимат бил!

Шайх Саъдий Шерозий «Бўстон» номли асарида бу дунё ҳаётини ғафлат билан ўтказмаслик ҳақида шундай дейди:

“Ақлли бўлсанг, ҳар нарсанинг маъносига майл қил, мойил бўл!... Чунки сурат қолмайди, фақат маъно қолади. Охират озуқасини ҳаёт вақтингда тайёрла! Сен ўлганингдан сўнг қариндошларинг ҳирсга берилиб, сенга сен орзу қилганингдек хайру ҳасанотда бўлмайдилар.

Қўлингдаги неъматларни тириклигингда ўзинг бер! Ўлганингдан кейин улар сенинг қўлингдан чиқади. Кейин уларга эгалик қилолмайсан. Изтиробу азобда қолмайин десанг, қабрда азобланаётганларни эсла! Бугун хазина қўлингдалигида лозим бўлган ерларга тезда инфоқ-эҳсон қил! Эртага қолдирма! Чунки улар эртага қўлингдан кетиши мумкин.

Озуқангни бугун ўз қўлинг билан бер. Ўлганингдан сўнг орқангда қолганлардан шафқат, марҳамат кутма! Зоди роҳиласини, яъни озуқасини ўзи билан олиб борган одам улуғ неъматга эришгандир. Зеро, сенинг оғриғингни ўзингдек ҳеч ким ҳис эта олмайди”.

هچ

Эшигингга бир бечора келса, қўлини бўш қайтарма. Аллоҳ сақласин! Балки бир кун келиб сен ҳам ўша бечорадек бўлиб қолишинг, эшикма-эшик нарса сўраб юришинг мумкин!

Ақлли одам бир кун келиб ўзи ҳам бошқаларга муҳтож бўлишини фикр қилади. Бечораларга ёрдам беради.

Дили оғриган, қалби ярали одамларнинг аҳволидан хабардор бўлади.

Изтироб ичида қоврилган кўнгилларни севинтиргинки, бир кун ўзинг ҳам изтироб ичида қоласан!

Сен муҳтож бўлиб бировнинг эшигига бормаяпсан, шунинг шукронаси учун эшигингга келган муҳтожни ҳурмат қил!

Бугун муҳаббат уруғини экмаган одам эртага жаннатдаги Тубо дарахти мевасидан ея олмайди.

Эртага, қиёмат куни жаннатдаги бозор очилади. Ҳар ким амалига яраша насибасини олади. У ерга қанчалик яхши сармоя олиб борсанг, шунчалик неъматга эга бўласан. Агар сармоянг (солиҳ амалларинг) бўлмаса, қўлингда ҳижолатчиликдан бошқа нарса бўлмайди.

Умрдан кетган кунлар энди мозийдир. Кетган қайтиб келмайди. Қолган уч-тўрт кунингни ғанимат бил, қадрини англа! Агар ўликларнинг тили бўлса эди, йиғлаб шундай деган бўлар эдилар:

“Эй тирик инсон! Ҳали тилинг айланар экан, қотиб қолмасидан Аллоҳни зикр кил! Лабларингни юмма! Бизнинг вақтларимиз ғафлат билан ўтди, сен бизлар каби бўлма! Нафасингни Аллоҳнинг зикри билан гўзаллаштир ва бу ҳаётни ғанимат бил!”



Пайғамбар алайҳиссалом вафот этган мўминлар ҳис қилган ҳасрату надоматни шундай ифода қиладилар:

“Жаннат аҳли фақатгина дунёда Аллоҳни зикр қилмасдан ўтказган вақтларига афсус ва надоматни ҳис қиладилар, бошқа ҳеч нарсани ҳис қилмайдилар!”

Эй воҳки, жаннатга кирмаганларнинг пушаймонлиги қанчалик бўлар экан?! (Ҳайсамий, Мажмаъуз-Завоид, X, 73-74.)


ألا بذكر الله تطمئن القلوب

Имом Ғаззолий ҳазратлари бир мўмин ҳар кунлик ҳаётини ҳисоб қилмоғи лозим эканлигини ифодалаб шундай дейди:

“Бир мўмин бомдод намозини ўқиганидан сўнг, бир муддат ёлғиз қолиши керак. Кун бошланмай туриб, ўз нафси билан баъзи нарсалар ҳақида келишиб олиши лозим. Бу келишув бир неча шартлар асосида бўлади. Масалан, бир савдогар сармоясини шеригига берар экан, албатта, ўзаро келишиб олишади. Баъзи кўрсатмаларини айтади. Инсон ҳам ўз нафсига шу огоҳлантиришларни айтмоғи керак.

Менинг сармоям умримдир. Умрим кетган сари дастмоям ҳам кетади. На фойда ва на имкон қолади! Барчаси тугайди. Фақат мана шу бошланаётган янги кунни Аллоҳ таоло лутф қилиб менга берди.

Эй нафсим, тасаввур қилгинки, агар умрим тугаганда эди, бир кунга ҳам орқага қайтишнинг имкони бўлмас эди. Агар шундай бўлса, давомли солиҳ амаллар ва турли ҳил яхшиликлар қилишни орзу қилган бўлар эдим.



Эй ўғлим! Тасаввур қилгинки, бугун дунёга қайта келдинг. Энди гуноҳга умуман яқин келма! Бу куннинг бир сониясини ҳам бекорга ўтказма! Зеро, ҳар нафас бебаҳо бир неъматдир!”

Ўттиз йил ишлабди қўлдаги соат,
Бироқ мен ишламай турибман нолиб.
Гўёки варракни учирдим, фақат
Осмон аҳволидан бехабар қолиб.

Нажиб Фозил Қисакурак

Ҳақ дўстларидан бўлган Рабий бин Ҳайсамнинг ушбу ҳолати нафс муҳосабасида жуда ҳам эътиборни тортувчидир.

У ўз боғида бир қабр кавлатиб қўйганди. Қалби қаттиқлашганини сезиб қолганида, шу қабрга кирар ва бир муддат у ерда қоларди. Бир кун келиб дунё билан хайрлашмоғини ва қабрда истиғфору садақага муҳтож вазиятда қолишини тафаккур қиларди. Охиратда ҳисоб беришини ўйлаб тафаккурга чўмарди. Кейин эса, мана бу оятларни ўқир эди:

“Токи улардан бирига ўлим келган чоғда: “Эй Раббим, мени (ҳаётга) қайтаргин. Шоядки, тарк қилган нарсамда солиҳ амал қилсам” – дер” (Мўъминун сураси, 99-100-оят).

Қабрдан чиққач, ўз-ўзига: “Қарагин Эй Рабий! Қайта келдинг. Аммо бу талабинг қабул бўлмайдиган, қайта келолмайдиган кун ҳам келади. Ҳозирдан тадбирингни кўр ва солиҳ амалларингни, Аллоҳ йўлидаги хизмату ғайратларингни купайтир” , – дер эди.

Ҳаёт бешикдан бошланиб тобутда тугайдиган йўловчиликдир...

Шунинг учун Ҳазрати Умар инсон доимо ўзини муроқаба қилмоғи лозимлиги тўғрисида мана бундай дер эдилар:

“(Илоҳий маҳкамада) ҳисобга тортилмасдан аввал нафсингизни ҳисобга тортинг!”.

Яна Аллоҳ дўстларининг инсонларга айтган баъзи тавсия, танбеҳлари борки, булар инсон ҳаётининг ҳисоб-китоб қилинишига доир гўзал намуналардир:

Ҳар бир куннинг тонги умр дафтарингдан бир варақ оппоқ қоғозки, сен унга нималарни ёздирдинг?

Сенга янги бир кунни лутф килиб берган Раббингга шукр қилдингми? Бу янги кунда Раббингга бандалик аҳдингни янгиладингми? Маҳшаргоҳда ўқиладиган бу варақни нима билан тўлдирдинг? Ҳеч ўйладингми буни?

Аллоҳ таоло сени саҳар вақтида истиғфор айтишга даъват қиларкан, сен у вақтда тўлиб тошган Илоҳий раҳмат ва мағфиратдан қанчалик насиба ола билдинг? Ёки ёмғир томчилари тош қояларга ёғиб бекор кетгани каби, лутфу марҳамат лаҳзаларини зое қилдингми?

Пайғамбар алайҳиссалом:

“Роббимиз табарока ва таоло ҳар кеча туннинг охирги учдан бири қолганда бу дунё осмонига тушади. Сўнгра: “Ким Менга дуо қилади, Мен уни ижобат қилсам? Ким Мендан сўрайди, Мен унга сўраганини бер-сам? Ким Менга истиғфор айтади, Мен унинг гуноҳларини кечирсам”, дейди”, – дердилар. (Бухорий ривояти.)

Саҳар вақтидаги файзни кун охирига-ча сақлай олдингизми? Бу кунги ҳаётингиз қанчалик зикруллоҳ билан ўтди? Кунни қанчалик Раббингизни хотирлаш руҳония-ти ичида ўтказа олдингиз?

Бугун неча марта муаззиннинг “Ҳайя алас-солаҳ!” деган чақириғига эргашиб, намозингизни жамоат билан ўқидингиз? Намозларингизда такбирларни, қиёмларни, қироатларни, руку ва саждаларни Аллоҳнинг хоҳишига мувофиқ ҳолда қилдингизми? Яъни хушуъ ичида руҳингиз ва вужудингиз оҳанги ила адо қила олдингизми?

Бугун сизни чангалига тушириши мумкин бўлган нафсоний орзуларга қарши тура оладиган иродага эга бўлдингизми? Аллоҳ таоло қайтарган ёмон хулқларингиз борлигидан роҳатсизлик ҳис қилдингизми? Улар сабабли афсусланиб, надомат кўз ёшлари тўкдингизми?



Бугун тилингизни беҳуда сўзлардан, ёлғон ва миш-мишлардан, тортишиш ва ғийбатдан, дилларга тикан суқмоқликдан муҳофаза қила олдингизми?

Бугун коинотдаги сиз учун яратилган биллур юлдузларга қараб осмоннинг чексизлигини англадингизми? Ер юзига ҳаёт берадиган ой ва қуёшнинг, бир хил тупроқда унадиган хилма-хил мевали дарахтларнинг, ранго-ранг гулу япрқоларнинг, турли хил хушбуй чечакларнинг яратилиши ҳақида фикр юритдингизми? Бир-икки ҳафта умр кечирадиган капалакнинг қанотидаги ниҳоятда гўзал безакларни, инсоннинг яратилишидаги ибратли ҳолатларни тафаккур қилдингизми? Илоҳий Қудрат кўринишлари ва уларнинг ҳикматли баёнларини англадингизми? Ҳадисларнинг маъно оламида кўнгил кўзи билан сайр қила олдингизми? Коинотдаги Илоҳий қудрат кўринишларидан ибрат олиб чуқур, теран туйғуларга эга бўла олдингизми?

Само Илоҳий сирларни яширган муҳташам қандил кабидир. Шамоллар Илоҳий илҳомларнинг кўринмас хабарчиларидир... Чақмоқлар қўрқув ва умид учқунларидир. Момақалдироқлар Қаҳҳор Зот салтанатининг фармони ва ғафлатдан уйғотувчилардир. Хўп, сиз бу огоҳлантиришларни қанчалик англадингиз? Тафаккур кенгликлари ичидамисиз?

Ҳар бир дарахтнинг япроқлари қўлларини дуога очиб завқ ва сесканиш билан Раббисига ёлворади... Кўм-кўк майсазорлар ҳам Муҳаммадий жамоат учун бир жойнамоздир. Гуллар унинг устида сафоли бир уммат каби иштиёқ ичида тўлқинланадилар. Қудрат нишоналари бўлган тоғлар ҳам Раббисининг ҳузурида қиём ҳолидадир! Хўп, сизнинг ҳолингиз бу Илоҳий қонунга қанчалик мувофиқ келяпти?

Гўшти ва сутидан фойдаланганларингиз, яъни ҳайвонлар сизга исён қилишмайди. Хасислик ҳам қилишмайди. Баҳайбат бир филни бир ёш бола етаклаб кета олади. Уларни инсонга бўйсундириб қўйган ким? Агар уларни инсонга итоат қилдириб қўймаса, нима бўларди? Буни ҳеч ўйлаб кўрдингизми?



Турли хил мева ва сабзавотлардан фойдаланишимиз, гуллар билан шодланишимиз, ўсимлик оламининг мавжудлиги Аллоҳ таолонинг лутфу марҳаматидандир. Агар дунё тоғу тошдан иборат қуруқ бир чўл каби бўлганда, ҳолингиз қандай бўлар эди. Ҳеч ўйлаб кўрдингизми?

Бугун Яратувчининг ҳурматидан яратилганларга шафқат, марҳамат ва муҳаббат назари билан қарай олдингизми?

Бугун Аллоҳ сизга инъом қилиб берган неъматларни кимлар билан бирга баҳам кўрдингиз?



Бугун бир мўминни севинтирмоқлик лаззатини ҳис қила олдингизми? Бир ғамгин кимсани юпатиб, тасалли бердингизми? Табассум қилдира олдингизми? Бирор бир инсоннинг кўнглини овладингизми?

Бугун бир етимнинг бошини силаб меҳрибонлик кўрсата олдингизми?



Бугун биронта касални зиёрат қила олдингизми? Биронта жанозада қатнашдингизми?

Бугун қўшниларингиз ва атрофингиздаги муҳтожлардан хабар олдингизми? Оч ётган қўшнининг, совуқда титраган ғарибларнинг изтироб тўла ҳоли юрагингизни ачиштирдими?



Ер юзининг қаерида бўлса ҳам, мазлумларнинг дардига шерик бўлдингизми? Бугун мазлумлар ва кимсасизларнинг ёнида бўлиб, уларнинг аламларини бўлишдингизми? Қалбингиз уларнинг изтиробларини ҳис қилдими? Кўзларингиз уларнинг дарди учун кўз ёш оқиздими? Юрагингиз уларнинг азоблари сабаб санчдими?

Бугун очларнинг тўймоғи, беморларнинг шифо топмоғи, қарздорлар қарзларидан қутулмоқлари учун ғайрат билан дуо қила олдингизми?



Бандаларнинг ҳаққини адо эттингизми? Ҳайвонларнинг ҳаққига эътибор бердингизми? Остонангиздаги оч қолган мушук ва итга сиз масъул эканлигингизни фикр қилдингизми?

Бугун ҳидоятга муҳтож инсонларга маънавий ва моддий ёрдам қила олдингизми? Уларга амру маъруф ва наҳий мункар қилдингизми? Ҳидоят йўлига киришлари учун дуо қилдингизми? Уларга ўз ҳолатингиз билан «мусулмон» шахсини кўрсата олдингизми?

Бугун ота-онангиз ва қариндошларингизнинг ҳол-аҳволларини сўрадингизми? Кўнгилларини шод қила олдингизми? Агар улар вафот қилган бўлсалар, уларнинг ҳақига «Фотиҳа» ўқидингизми? Яхши хотиралар билан ёд этдингизми? Уларнинг дўстларига нисбатан вафодор бўла олдингизми?



Бугун барча таниган ва танимаган инсонингизга Аллоҳ учун салом бера олдингизми? Табассум садақа эканлигини билиб, инсонларга табассум билан муомала қила олдингизми?

Бугун бирорта билан дўст бўлдингизми? Қанча дўстингиз билан дўстлигингизни янгиладингиз?

Бугун йўлдан одамларга озор берадиган бирон нарсани олиб ташладингизми?

Бугун оилангизга қалб кўзи билан боқиб, оилангиз жаннат боғчаси эканлигини англадингизми? Ташқи муҳитнинг ёмон таъсирларидан ўзингизни сақлай олдингизми?

Бугун Аллоҳ сизга омонат қилиб берган лутфи, яъни фарзандларингизга тарбия ва одоб ҳақида нималарни ўргатдингиз? Қалбларига Аллоҳ ва унинг Расулининг ишқини, анбиё ва авлиёлар севгисини сингдирдингизми? Қиёмат куни улар сабаб юзингиз ёруғ ёки қаро бўлиши ҳақида фикр қилдингизми?

Фарзандларингиз дунёвий билим олишлари учун вақт ва сармоя сарфладингизми? Уларнинг охиратлари учун, диний билим олишлари учун нималар қилдингиз? Ёки фарзандингиз учун фақат ёзги таътил кунларида, бир-икки ой масжидга бориб ўқиш етарли деб ўйладингизми?

Агар оиланинг бекаси бўлсангиз, жуфтингизни муҳаббат, ширин сўз ва табассум ила қаршиладингизми? Ҳалол ризқ топиб келиши учун дуо қилдингизми? Келганида очиқ юз билан кутиб олиб, ширин сўз билан кўнглини олдингизми? Чарчоғини кетказишга ҳаракат қилдингизми? Намунали бир оила бўлишга ғайрат қилдингизми?

Агар оиланинг бошлиғи бўлсангиз аёлингизга ва болаларингизга нисбатан қанчалик мушфиқу меҳрибонсиз? Қанчалик марҳаматлисиз? Сиз уларга қолдирадиган энг буюк мерос охират мероси эканлигини фикр қилиб, уларнинг дунё ва охиратлари саодати учун ғайрат қилдингизми? Уларнинг руҳий ва маънавий юксалишлари учун курашдингизми?



Тарих миллатнинг хотираси ва меросидир. Сиз вояга етказган болалар ватаннинг келажагидир. Уларга дини, иймони, ватани омонат эканлигини билдира олдингизми? Бу жаннат ватанни бизга ҳадя қилган аждодларимизнинг шаҳид бўлганларини эслатдингизми? Уларнинг бу йўлда жон фидо қилган чоғларидаги иймону ҳаяжонларини айтдингизми?

Бугунги кунда жуда кўп инсонлар нафсоният йўлида йўқолиб борар экан, сиз руҳониятингизни сақлай олдингизми? Аввало оила аъзоларингизни, масъул бўлган инсонларингизни замоннинг фитналаридан огоҳлантирдингизми? Уларни асраш учун қандай тадбирлар кўрдингиз?

Бирор бир ёш болани масжидга олиб боролдингизми? Ёшларни атрофингизга йиғиб, моддий ва маънавий ёрдам қилдингизми? Ҳақ ва ҳақиқатни севдирмоққа ҳаракат қилдингизми?

Аллоҳ учун севган инсонингизга қандай ҳадя бердингиз?

Бугун шахсий хато-камчиликларингиздан қутулмоқ учун бирор Ҳақ дўстига учрашдингизми? Аллоҳ дўстлари ёки солиҳ инсонлар билан бирга бўлишга ҳаракат қилдингизми? Ўзингиз ва нафсингизга ёқмаса ҳам, Аллоҳ ризоси учун доимо тўғри сўзлайдиган солиҳ ва содиқ бир дўст тутдингизми? Шунақа дўстингиз борми? Ҳақиқатни айтадиган ўртоғингиз борми? Фосиқ гуноҳкорлар билан бирга бўлишдан қалбингизни сақлашга уриниб кўрдингизми?

Бугун илмингизни кўпайтирадиган, ирфонингизни гўзаллаштирадиган бирон хизмат ёки фаолиятда қатнашдингизми? Пайғамбар алайҳиссаломнинг намуна ҳаётларидан ўрнак олиб, у зоти шарифга тобе бўлдингизми? У зотнинг руҳониятлари ва гўзалликларини яшатмоққа ғайрат қилдингизми?

Бугунги топганингиз, еган-ичганингиз, кийганингиз ҳалолми? Шубҳали ёки ҳаром эканлигининг фарқига бордингизми? Ҳар бир муомалангизда ҳаромдан сақланиш тўйғуси сиз билан биргами?

Бугун сизга дағал ва қўпол муомала қилган бир одамни кечириб, унга яхшилик қила олдингизми?

Бугун Аллоҳнинг энг буюк неъмати бўлган Қуръони Каримдан неча саҳифа ўқидингиз? Унда берилган хабарлар, огоҳлантиришларни тафаккур қилдингизми? У хабар ва огоҳлантиришларга амал қилдингизми? Энг яхшилардан бўлиш учун Қуръон ўргатувчилардан, Қуръон хизматига югурганлардан, ёрдам қилувчилардан бўлдингизми?

Нажиб Фозилнинг инсон умрини сарҳисоб қилишга чорлайдиган ушбу мисралари қанчалар сермазмун:

“Қайси томонга боқмайин ўралганман,
Ўралган бўлади-ю, ўрагувчи бўлмасми?
Бу юзни чизган санъаткор рассом ким,
Ойнадан ўтиб сўрагувчи бўлмасми?”

Бугун вафот қилишингиз ҳам мумкинлигини ўйладингизми? Оила аъзоларингиз, дўсту ёрларингиз сизни қабрга қўйиб қайтиб келишларини тасаввур қилдингизми? Қабрда фақат солиҳ амалларингиз ёрдам бериши ҳақида фикр қилдингизми? Бу ҳаёт китобингиздаги ғафлат билан ўтказган вақтларингиз учун қанчалар “эй, воҳ” дейишингизни ўйладингизми? Ибодатларингиз ва муомалангизни шундай тушунчалар билан тўлдирдингизми? Тавбаи насуҳ қила олдингизми?

Бугун ҳаёт дафтарингизни қандай очдингиз ва қандай ёпдингиз? Киромайн Котибайн, яъни амалларингизни ёзиб борувчи фаришталар унга нималарни ёзди? Буюк ҳисоб кунида бугунги ёзилган саҳифангиз ҳисобини бера оласизми?

Хуллас, бугун ҳаёт касетангизни нималар билан тўлдирдингиз? Бу ҳолу ҳаракатларингиз Илоҳий камерада кузатиб турилганлигини ҳис қила олдингизми? Ўтказган сўнгги йигирма тўрт соатингизнинг ҳисобини қилдингизми? Нафсингизни сўроққа тутдингизми?

Аждодларимиз: “Инсониятнинг ёдда сақлаш қобилияти унутиш билан касаллангандир” - деб зарбулмасал айтишганки, бу жуда машҳур сўздир. Ўтмишни унутиш касалига мубтало бўлган инсон ўз ёдидаги ҳиссиётни ҳам унутади.

Шунинг учун унутилган барча гўзалликларни эслашимиз керак. Йўқолиб кетган фазилатларимизни кўнгилларимизга қайтаришни ўйламоғимиз лозим.

Бу хусусдаги Аллоҳ таоло дўстларининг ҳоллари, муомала ва огоҳлантиришлари бебаҳо бир дурдоналардир. Шу сабаб ҳаётимизни авлиёлардек ҳассосият, зийрак ақл ва уйғоқ қалб билан ўтказишимиз лозимдир. Бунга эса, ҳар кунимизнинг йигирма тўрт соатига иймон назари билан қараш оркали эришишимиз мумкин.

Яҳё бин Муознинг (Аллоҳ раҳмат қилсин) ушбу илтижоси бизга ана шу хусусда намуна бўла олади:

“Эй Аллоҳим! Тунлар фақат сенга илтижо ва сиғиниш билан гўзаллашади.

Кундузлар фақат Сен учун қилинадиган ибодат ва солиҳ амаллар билан гўзаллашади.

Дунё фақат Сени танимоқ ва яратганларингни тафаккур қилиш билан гўзаллашади.

Ўлимдан кейинги ҳолат фақат Сенинг авфинг билан гўзаллашади.

Жаннат фақат Сенинг жамолинг билан гўзаллашади”.



Ё Роббим!

Бизларга ҳам ана шу ай-
тилган ҳолатда яшамоқни
ва умр номли сармоямиз-
ни Сен рози бўладиган
шаклда, энг гўзал бир
суратда қўллашимизни
насиб айла! Шундай ҳаёт
кечирмоқни бизларга ҳам
эҳсон айла!
Омин!